7 (441)
2005 йил 16 февраль
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ УМШлар фаолияти: энди муаммоларга ечим бор!

3 ▶ Маслаҳатчига кўмак керак
▶ Бекпўлат қора белбоғ соҳиби

4 ▶ Ватанда Ватанни соғинайлик!
▶ Қизлар ...тўп сурганда

Расмий ташриф

ЕХҲТнинг АМАЛДАГИ РАИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

15 феврал куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг Ўзбекистонга ташрифи бошланди.

Ташрифдан мақсад мамлакатимиз раҳбарияти билан Ўзбекистон Республикаси ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболини, минтақада хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларини, муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини муҳокама қилишдан иборат. Музокаралар давомида ЕХҲТни ислоҳ қилиш, ташкилотнинг асосий тузилма ва институтлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни мувозанатлаштириш муаммоларини ҳамда Ўзбекистон—Словения ҳамкорлигининг истиқболига оид масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ЕХҲТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор билан қарайди ва шу туфайли ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Д.Рупелнинг ЕХҲТни аъзо мамлакатларда мавжуд шарт-шароитга мослаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ташкилотга Словения томони раҳбарлик қилаётган даврда устувор этиб белгиланган вазифалар ижросига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр.

Ташкилот фаолияти ва таркибининг самарадорлигини оширишни, уч мезон — ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва экологик, ижтимоий мезонлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш заруратини давр тақозо этмоқда.

Ўзбекистон ташкилот қамраган маконда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва муайян иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари ҳозирги шароитда устувор йўналиш бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

Халқаро ҳамжамиятнинг диққат марказида турган Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ортиб бораётган ҳозирги шароитда минтақада тинчлик ва барқарорлик масалалари бутун ЕХҲТ маконида хавфсизликни таъминлаш масалалари билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши керак.

ЎзА.

Қарор ва унинг моҳияти

КЎП ХОНАДОНЛИ УЙ-ЖОЙ МУАММОЛАРИ

УМШ Уюшмаси — бу муаммолар ечимига йўлдир

Кўп хонадонли, яъни кўп қаватли уйларда яшаётган ҳамюртларимиздан таҳририятимизга шарт-шароитларидан нолиб мурожаатлар бўлиб туради. Уларнинг аксариятининг мазмуни кўп қаватли уйлар муаммоси, яъни уйнинг таъмирга муҳтожлиги, умумий фойдаланишдаги майдонлардаги кўнгилсиз ҳолат ҳақида бўлади.



Биз шунда бу ҳақда улар бунгача қаерга мурожаат қилганини сўраймиз. Улар кўп ташкилотларнинг номини санайди ва мурожаатлари охири келиб Уй-жой мулкдорлари ширкатларига тақалганлигини таъкидлайди, аммо ширкат эса... Хуллас, ширкат ҳам бу ишга ё қодир эмас, ё эплай олмаётган бўлиб чиқади. Бу ҳолатни кўп қаватли уйларда яшаётганлар яхши ҳис қиладилар. Шу ўринда УМШлар фаолиятидаги бундай салбий ҳолатларни санаб ўтиришдан кўра, Президентимизнинг бу муаммолар ечимига алоҳида эътибор қаратганини эътироф этиш фойдалироқ ва ҳатто кўнгиллироқдир.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва унинг ижроси бу борадаги муаммоларга ечим топишда бош омил бўлиши табиий. Зотан ушбу қарорнинг ҳаётий зарурият сифатида юзага келишига сабаб ҳам бу борада муаммоларнинг яққол намоён бўлиб туриши эди.

Қарорнинг 1-бандидаёқ шаҳарлар — вилоятлар марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек, аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга бўлган шаҳарларда Уй-жой мулкдорлари ширкатлари Уюшмаларини ташкил этиш ҳақида қайд этилиши бу борадаги ижобий ўзгаришларнинг асосий йўл-йўриғини таъминлайди. Бир тасаввур қилинг: бунгача УМШлар фаолиятда мустақил саланса-да, аслида мустақил фаолият юрита олмас эди. Кимгадир бўйсунувчи бўлиб эса на тайинли кўмак, на тегишли йўл-йўриқ олмасди. УМШларнинг фаолият даражаси ҳар жойда ҳар ҳолатда эди. Қайсидир УМШ бироз имкониятга эгадек кўринса, иккинчи бирида шу имконият ҳам йўқ эди. Шу боисдан ҳам Қарорда УМШ Уюшмаларининг бош вазифалари қилиб, ***УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; эксплуатация, авариятаъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхоналари билан ўзаро муносабатларини шакллантириш; фаолиятида тўлақонли бозор ижара тузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш; унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдамлашиш, унинг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш*** кўрсатилади.

Бу ўринда шуни эътироф этиш керакки, бу Қарор халқимиз томонидан ҳам, УМШда фаолият кўрсатаётганлар томонидан ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди. Зотан, бу Қарор бутун мазмун-моҳияти билан аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига, шу йўлда хизмат қилаётганларнинг ишида қулайликлар, имкониятлар яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Ҳ.Қодиров раҳбарлигида Бош прокуратура ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2004 йилдаги фаолияти якунлари муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, Ҳукуматнинг янги тайинланган аъзолари билан ўтказилган амалий кенгашда билдирган фикрлари ва берган топшириқларидан келиб чиқувчи вазифалар белгилаб олинди.

Прокуратура органлари ўзларига юкланган назорат фаолиятини амалга оширишда доимий эътиборни турли соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратди.

Фуқароларга иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатланиши борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этишнинг зарур чоралари кўрилди.

Мазкур соҳаларда ўтказилган текширишлар натижаларига кўра жами 125 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаган 64 минг нафар мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бироқ, давлат бошқаруви идоралари мансабдор шахслари масъулияти ва жавобгарлигини ошириш бўйича прокурор назоратининг етарли самара бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб судларга жами 29 мингта даъво аризалари киритилди. Шу билан биргаликда, ушбу зарарнинг ундирилишига қаратилган ижро ҳужжатлари муддатлари бузилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суистеъмолчиликларга барҳам бериш каби вазифаларни бажариш борасида ҳам самарали ишлар қилинди.

Хусусан, ҳукуматнинг фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси асосида кам рентабелли ширкатларни фермер хўжалигига айлантириш, уларга ер ажратиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркор манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий соҳаларда қонунийликни таъминлашга қаратилган тадбирлар изчиллик билан олиб борилди. Лекин бу соҳада кўзланган ижобий натижаларга эришиш назорат фаолиятини кучайтиришни талаб этади.

Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, бюджетга ҳисобланган қўшимча солиқ ва жарималарнинг 46 млрд. сўмдан ортиғини ундиришга эришилди. Аммо, "яширин" иқтисодий фаолиятни аниқлаш борасида тезкор хизмат имкониятларидан самарали фойдаланилмаётганлиги ва сусткашликка йўл қўйилаётганлиги қайд этилди.

Прокурор назоратининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида ишлар кучайтирилди, қўлланилган 17 мингтадан кўп прокурор назорати ҳужжатлари асосида мавжуд қонунбузилишларнинг бартараф этилиши таъминланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик мустаҳкамланди. Натижада мамлакатда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, гуруҳ таркибидаги ҳамда рецидив жиноятларнинг бир мунча камайишига эришилди.

Кўрилган чоралар жиноят ишлар бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш имконини берди.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган тергов жараёнида жиноятлар оқибатида етказилган моддий зарарнинг 39.7 млрд. сўми ва 596 минг АҚШ доллари ёки уларнинг 69 фоизидан ортиғини ундирилиши таъминланди.

Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилди.

Прокуратура органларида фуқароларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни қонуний ҳал этишга доимий этибор қаратилиб келинди. Келиб тушган мурожаатларнинг 36 мингга яқини ҳал қилиниб, натижаларига кўра қонуний қарорлар қабул қилинди.

Прокурор назоратининг бошқа йўналишларида ҳам муайян натижаларга эришилгани қайд этилиб, йўл қўйилган айрим камчиликлар танқид қилинди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари ходимларининг касбий тайёргарлиги ва масъулиятини ошириш, улар томонидан ножўя ҳаракатлар содир этиш ҳолларининг кескин олдини олиш ва барҳам бериш ҳақида қатъий талаблар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази

Тошкент шаҳри

Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

БЎРОНЛАРГА БЕПИСАНД ҚОЯ

Шўро даври адабиётида турли бўҳтон ва айблар билан қораланган, Саид Аҳмад таъбири билан айтганда, "Метин қоядек бу хил бўронларни писанд қилмай", сўнг олмосдек юқори баҳоланиб қадрини топган Ойбекнинг шоҳ асари — "Навоий" романи бугун ўзбек адабиёти дурдоналари сирасидан жой олган.

Миллатни уйғотган адиб Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуманлардан бири Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги Оқтепа маҳалласи ва 274-мактаб ҳамкорлигида ўтказилди. Анжуманда ЎзФА академиги Б.Назаров, филология фанлари докторлари, профессорлар С.Мирвалиев, Н.Каримов ва ёзувчи М.Қориевлар сўзга чиқиб, маҳалла фаоллари ҳамда ўқувчиларга шоир ҳаёти ва ижоди, унинг инсоний фазилатлари ҳақида гапириб бердилар.

— Маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги бизда намунали йўлга қўйилган, — дейди маҳалла оқсоқоли, профессор Эркин Турсунов. — Бугунги тадбирга ҳам ўқувчилар ижро этган шеър, қўшиқ ва "Навоий" романидан тайёрланган саҳна кўринишлари алоҳида файз бағишлади. Ойбек назари тушган, у билан ҳамнафас бўлган ёзувчи ва олимларимизнинг унутилмас хотиралари эса барчани тўлқинлантириб юборди. Қувонарлиси, бу даргоҳда 50 йил аввал Ойбек домла билан учрашув бўлиб ўтган экан. 50 йил кейин эса унинг нигоҳи тушган инсонлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Маҳмуда ЗОИРХОН қизи.

Андижон вилояти

Ғайратли замондош

МЕҲРИНИСО МОМОНИНГ СОВҒАСИ

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи 70 ёшли Меҳринисо момо Тошматова буюк ҳамюртимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 522 йиллигига бағишлаб яратган дўппининг янги гулига "Тожмаҳал" деб ном берди.

Қутлуғ ёшдаги момо яратган бу янги ва ажойиб гул вилоят дўппидўзларининг кўргазмасида юқори баҳоланди. Вилоят ҳокими Сайдулло Бегалиев халқимизнинг ажойиб ҳунарини садоқат билан давом эттириб келаётган Меҳринисо момога ўзининг юз минг сўм пул мукофотини топширди.

Шу куни дўппидўзлар билан бўлган учрашув чоғида бу соҳанинг ютуқлари ва муаммолари атрофлича таҳлил этилди. Дўппидўзликни ривожлантириш учун "Устоз—шогирд" ҳаракатига катта эътибор бериш, шу тариқа ёшларни ишга жалб қилиш, бу соҳада янги-янги иш жойларини яратиш зарурлиги таъкидланди. Вилоят дўппидўз уста ҳунармандлар уюшмаси тузилди, унинг раиси этиб Азизахон Аҳмедова сайланди.

— Етти ёшимда биринчи дўппимни тикканман, — дейди Меҳринисо момо, — шундан бери дўппи тикаман, юзга яқин шогирдлар тайёрладим. Дўппи йигит кишини ёшартиради, унга ўзбекларга хос улуғворлик, истара ва салобат бахш этади. Куёвларнинг бошида ял-ял ёниб турган дўппини кўрганда ҳар қандай қизларимизнинг юрагига ҳаяжон тушади. Шунинг ўзи менга куч-қувват беради. Ўзбекнинг ўзбеклигини бутун оламга таратадиган нарсалар ичида албатта, дўппи ҳам бор.

Узоқбой САКСОНБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

САҲРО ҚЎЙНИДАГИ ШАҲАРЧА

Ундаги ҳаёт кундан-кунга мазмундор бўлиб бормоқда.

Ўтмишда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган, 20 миллион гектар майдонни эгаллаган Устюрт саҳросини ўтган асрнинг 70-йилларида "Кўнғирот—Бейнеу" темир йўли камардек кесиб ўтди. Пўлат изларга ёткизилиб, поездлар ҳаракати бошланиши билан Устюртга муқим яшаш учун одамлар кўчиб кела бошладилар. Шундай қилиб, Нукус шаҳридан 450 километр узоқликда "Қорақалпоғистон" шаҳарчаси пайдо бўлди. Бу ерда асосан газ узатиш бошқармаси ходимлари, темир йўлчилар оилалари, умуман тўрт минг нафар аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Маратбой Алламжаровнинг таъкидлашича, улардан 320 нафари пенсионерлар, 890 нафари репродуктив ёшдаги аёллар ва 2045 нафари болалар, ёшлардир.

Қозоғистон давлати билан чегарадош мазкур шаҳарчада кейинги йилларда янги-янги иморатлар қад кўтариб, янада кўркам қиёфа касб этди. Кишиларнинг яшаш шароити яхшиланди. Барча хонадонлар, табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан таъминланди. "Балдирган" богчасида тарбияланаётган 55 нафар кичкинтойлар яратилаётган шароитлар, катталарнинг катта ғамхўрликларидан мамнунлар. Шаҳардан узоқда истиқомат қилаётган оилаларнинг фарзандлари иккита махсус мактаб-интернатда таҳсил оладилар.

Ихчамгина бозор: "Барака" ва "Юлдуз" ҳиссадорлик жамиятлари шахобчаларида харидоргир ва турли-туман буюмлар бисёр. Иккита даволаш бўлими ходимлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга доимо шай.

Саҳро марказида жойлашган ва кун сайин гуллабяшнаётган шаҳарчада аҳоли осойишта, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Бунда шаҳарча фуқаролар йиғини посбони Х.Нахатов, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Н.Сарсенова, котиба Р.Ийембергенова каби фаолларнинг ҳиссаси катта.

А.ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Ёшларимиз ҳаёти

Амалий санъат: Кўргазма

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги биносида республика болалар ижодиёти маркази тарбияланувчиларининг санъат кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг энг қизиқ томони шунда бўлдики, кўргазмада иштирок этаётган 30 нафардан ортиқ ижодкор ўқувчиларнинг ижод намуналари шу ерда чизилиб, мутахассислар эътиборига тақдим этилди.

"ЭКОСАН"нинг ҲИММАТИ

Кўргазмада ўз ижодий намуналари билан қатнашган болалар орасида ногиронлари ҳам бор. Улар яратаётган расмлар, қўл ҳунармандчилигига оид буюмларни кўриб киши кўзига ёш келади.

Кўргазма якунида уч нафар ижодкор бола ғолиб деб топилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан I даражали диплом Ирина Бучокга, II даражали диплом Фахриддин Яхшиевга, III даражали диплом Наргиза Бакировага тантанали равишда топширилди. Қолган иштирокчилар Фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Энг қувонарлиси,"Экосан" жамғармаси томонидан республика болалар ижодиёти марказида тарбияланувчи ана шундай истеъдодли болажонлар учун бир миллион сўм маблағ ажратилди.

Шерзод АҲМАТОВ

Спорт: Сузиш

МАЛАЙЗИЯ АҲЛИ ЁШЛАРИМИЗГА ҚОЙИЛ ҚОЛДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида сузиш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда юртдошларимиз Мафтунабону Тўхтасинова, Сергей Паньков, Шохруҳ Юнусов турли масофаларга сузиш бўйича барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медалларни қўлга киритди.

Муштарий Аҳмедова, Зулфия Ахмедшина, Екатерина Маматкулова, Даниил Коваль эса жамоамиз ҳисобига кумуш медаль келтирди. Собит Омиловга эса кумуш ва бронза медаль топширилди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейди?
— УМШдан шикоятингиз борми? — дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЛИВАН: УЧ КУНЛИК МОТАМ

Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйга суиқасд уюштирилди. У бир неча қўриқчиси билан бирга ҳалок бўлди.

РАТА-ТАСС хабарларига кўра, собиқ бош вазир ўтирган автомобил Байрут шаҳридаги «Сент Жорж» меҳмонхонасига яқинлашганида кучли портлаш юз берган. Қўпорувчилик натижасида ён-атрофдаги биноларга жиддий зарар етган. Юзга яқин одам жароҳатланган. Ҳалок бўлганлар орасида мамлакатнинг собиқ адлия вазири Самир ал-Жиср ҳамда савдо ва иқтисодиёт вазири Басил Фулейхон ҳам бор.

Ҳунрезлик учун жавобгарликни номаълум террорчи гуруҳлардан бири ўз зиммасига олди. Унинг билдиришича, Рафиқ Ҳаририй Саудия Арабистони билан яқин ҳамкорлик ўрнатгани учун ўлдирилган.

Ушбу воқеа муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди. Хавфсизлик чоралари кучайтирилиб, мактаблар ва бошқа муассасалар вақтинча ёпиб қўйилди. Байрутда эса содир этилган қўпорувчиликка қарши норозилик намойишлари ўтказилмоқда.

Рафиқ Ҳаририй дунё сиёсат майдонида ҳам катта обрўга эга эди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида фуқаролар уруши гирдобига тушиб қолган мамлакат Р.Ҳаририйнинг саъй-ҳаракатлари билан тинчлик сари юз бурганди - 1989 йили Ат-Тоиф шаҳрида Ливандаги мусулмон ва насроний жамоалар ўртасида келишувга эришилди ва можарога чек қўйилди.

Урушдан кейин мамлакат иқтисодиётини тиклашда ҳам Р.Ҳаририйнинг хизматлари катта бўлган.

2004 йил октябрда Рафиқ Ҳаририй мамлакат президенти Эмил Лаҳуд билан ҳукуматнинг янги таркиби юзасидан келиша олмаганидан кейин истеъфога чиқиб, мухолифатга ўтган эди.

Маълумотларга кўра, Рафиқ Ҳаририй сўнгги 20 йил ичида Ливанда суиқасд натижасида қурбон бўлган иккинчи ҳукумат раҳбаридир. 1987 йилда мамлакатнинг ўша вақтдаги бош вазири Рашид Карамга ҳам суиқасд уюштирилган эди.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қайд этилсинки, кейинги йилларда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш тизимига бозор механизмларини жорий этиш бўйича зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди, уй-жой мулкдорлари билан коммунал хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилмоқда, амалда тасодифий кишилар ихтиёрига бериб қўйилган, кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволда, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон пастлигича қолмоқда.

Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шаҳарлар — вилоят марказларида, Тошкент шаҳри туманларида, шунингдек аҳолиси 60 минг кишидан ошадиган, кўп хонадонли уйларга эга бўлган шаҳарларда Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаларини (бундан буён матнда УМШ Уюшмалари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, ташкил этиладиган УМШ Уюшмаларининг муассислари таркибига уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (бундан буён матнда — УМШ деб юритилади), коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг таъмирлаш-қайта тиклаш, авария хизматлари, шунингдек тегишли ҳудудлардаги кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш билан шуғулланувчи бошқа пудрат ташкилотлари кирадилар.

2. Қуйидагилар УМШ Уюшмаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

уй-жойлар ҳамда уйлар яқин атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақлаш, уй-жой фондини куз-қиш фаслига тайёрлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида УМШнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

уй-жой фондининг техникавий ҳолатини сақлаш, уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек авария-қайта тиклаш ишларини ўтказиш масалалари бўйича УМШнинг эксплуатация, авария-таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш корхонлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш;

УМШнинг моддий-техника ресурслари ва сифатли уй-жой коммунал хизматларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондирадиган тўлақонли бозор инфратузилмасини ташкил қилишга кўмаклашиш;

УМШнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кадрлари ҳамда раҳбарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда УМШ шаҳар ва туман Уюшмаларининг Намунавий Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қуйидагилар тасдиқлансин:

шаҳар, туман Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасининг намунавий ташкилий тузилмаси ва бошқарув аппарати тузилмаси;

уй-жой мулкдорлари ширкатларини давлат рўйхатига олиш тартиби ва ҳисобга қўйиш тўғрисидаги Низом.

Белгилансинки, Уюшмага кирувчи уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари, таъмирлаш-қайта тиклаш ва авария хизматларининг, уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари (ташкилотлари)нинг вакиллари УМШ Уюшмалари аъзолари умумий йиғилишининг қатнашчилари ҳисобланадилар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига УМШ Уюшмалари билан ишларни мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича қуйидаги вазифа ҳамда ваколатлар юклатилсин:

уй-жой фондидан фойдаланиш, жорий ва капитал таъмирлашни ўз вақтида амалга ошириш масалаларида УМШ фаолияти самарадорлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш;

кўп хонадонли уй-жой фондида ўтказиладиган таъмирлаш-қайта тиклаш ишларининг тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига мувофиқлигини назорат қилиш;

УМШ томонидан амалдаги қонунчилик бузилганлиги аниқланган ҳолларда уй-жой мулкдорларининг навбатдан ташқари йиғилишларини чақириш;

УМШ раислари ва ижрочи директорларини тайинлаш тўғрисида тавсияномалар, шунингдек уларни уй-жой мулкдорларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этмаган, амалдаги қонунчиликни бузган тақдирда лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари шаҳар ва туманларда уй-жой коммунал хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ҳоким ўринбосари бошчилигида уй-жой фондини сақлаш мониторинги Комиссияларини тузсинлар, уларнинг таркибига кадастр, солиқ, молия хизматларининг, архитектура-қурилиш назорати, ички ишлар органларининг, маҳаллалар, УМШ Уюшмаларининг вакилларини жалб этсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев, Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси масалалари бўйича ахборот-таҳлил департаменти Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, УМШ Уюшмалари билан биргаликда 2005 йилнинг биринчи ярмида УМШ раҳбар ходимларини, жумладан тармоқ коллежлари базасида ўқитишни ташкил қилсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 5 июлдаги Ф-1992-сон Фармойиши билан тузилган Ишчи гуруҳ (Р.С.Азимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари:

2005 йилнинг февраль-март ойларида битта УМШга бирлаштириладиган хонадонлар (уйлар) сонини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш мақсадида кўп хонадонли уйлардаги уй-жой эгаларининг навбатдан ташқари йиғилишларини ўтказишни таъминласин;

2005 йилнинг 1 апрелига қадар муддатда УМШ ҳудудий уюшмаларининг таъсис йиғилишларини ўтказсин;

2005 йилнинг 1 майига қадар муддатда тузилаётган УМШ Уюшмаларини зарур хоналар, анжомлар, шунингдек ташкилий техника билан таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда:

1991 йилгача бўлган даврда қурилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирлаш дастурларига уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан уй-жой биносини капитал таъмирлаш умумий смета қийматининг камида 30 фоизи ҳажмида молиялаштирилган уйлар киритилади;

кўп хонадонли уй-жой биноларида жойлашган бошқа мақсадларда фойдаланилаётган хоналарнинг эгалари турар-жой биносининг умумий мулкини сақлаш ва таъмирлашда иштирок этишлари мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари маҳаллий бюджетларга режадан ортиқча тушган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари учун УМШга бюджетдан ссудалар берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси «Даврхитектқурилиш» қўмитаси «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Саноатконтехназорат», Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда белгиланган тартибда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

кўп хонадонли уйларда хоналарни реконструкциялаш, ўзгартириш ва қайта ускуналаш бўйича бинолар хавфсизлигини таъминлайдиган қурилиш норма ва қоидалари;

ҳар бир хонадонда совуқ ва иссиқ сув учун биттадан ошмайдиган ҳисоблагич асбоб ўрнатилишини кўзда тутадиган уй ичи ва хонадон ичи коммунал тармоқларининг схемалари энг мақбул бўлган кўп хонадонли уйларнинг намунавий лойиҳалари.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари уч ой муддатда:

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини тугатиб, уларнинг вазифаларини коммунал хизматини ривожлантириш масалаларига масъул бўлган ҳоким ўринбосари котибияти ихтиёрига топширсинлар;

вилоят «Коммундренаж» ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар ва туман ҳокимликлари билан шартномалар асосида ихтисослаштирилган дренаж ишларини бажарувчи пудрат корхоналарига айлантирсинлар.

Шаҳар ва туманларни ободонлаштириш, кўчаларни ёритиш, дренаж ишларини бажариш масалалари нодавлат мулкчилик шаклида барпо этилаётган корхоналар томонидан маҳаллий ҳокимият органлари, УМШ Уюшмалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартнома асосида ҳал этилиши белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар;

икки ой муддатда — «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Қонуни лойиҳаси.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 10 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тарифлар ва уй-жой коммунал хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар дастури бажарилиши мониторингини олиб бориш республика комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантиришга, ушбу соҳада хусусий корхоналарни ривожлантиришга кўмаклашиш;

коммунал хизматлар учун тарифларнинг асоссиз равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида коммунал хизматлар қиймати ва улар учун тарифлар миқдорини белгилашда харажатлар таркибини йилнинг ҳар чорагида ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб бориш;

ўрта ва паст босимли газ қувурларида табиий газ, тегишли коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда улар исроф бўлишининг чекланган нормаларини ишлаб чиқишни ташкил этиш;

тасдиқланган дастурга мувофиқ коммунал хизматларни якка ва умумфойдаланиладиган тартибда ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни назорат қилиш ва улардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

ишлаб чиқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш жараёнида замонавий энергия тежайдиган технологияларни тадбиқ қилиш ва назорат ўрнатишни ташкил этиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

барча юридик шахслар — коммунал хизматлар истеъмолчилари истеъмол қилинган коммунал хизматлар учун календарь ой тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт;

шартномада белгиланган муддатлардан ўтиб кетган ҳар бир кун учун юридик шахслардан муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,4 фоизи, аҳолидан эса 0,1 фоизи миқдорида, аммо 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда, пеня қўшиб ундирилади. Олинган пеня суммалари коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини

замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун тўлиқ ва мақсадли фойдаланилади;

коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчилар ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйилади;

газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказган, шунингдек ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишга йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликкача тортиладилар.

3. Белгилансинки, 2005 йил 1 июлдан бошлаб уй-жойлар ичидаги сув ўтказгичлари, канализация, иссиқлик, электр тармоқлари ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатлари уй-жой мулкдорлари ширкатлари (УМШ)да жамланган уй-жой мулкдорларининг маблағлари ҳисобидан қопланади ва, тегишли равишда, совуқ сув, иссиқлик ва электр энергияси етказиб берувчи корхоналарнинг харажатларига киритилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 февралдаги ПФ-3038-сон Фармонига мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатларига берилган солиқ имтиёзлари уй-жой мулкдорлари ширкатларининг профессионал бошқарувчи компанияларига жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сон қарорига мувофиқ 2005 йил 1 январдан бошлаб олинган коммунал хизматлар учун аҳоли томонидан ҳақ тўлаш истеъмолчиларнинг ихтиёрига кўра барча тижорат банки бўлимлари ва тўловларни қабул қилиш кассалари орқали чекловларсиз амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган коммунал хизматлар, шу жумладан уй-жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маблағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш тақиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ.Тўхтаев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» Агентлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта кўриб чиқсин ва икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун жавобгарлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчилар тузилган шартномаларга мувофиқ, коммунал хизмат, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини тўлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларини қўпол равишда бузган ҳолларда шаҳар ва туманларнинг ҳокимликлари коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ, тўланмаган қарзларни айбдор шахслардан белгиланган тартибда ундириб олиш тўғрисида фуқаролик судларига даъво аризалари киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, «Даврхитектқурилиш» қўмитаси, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган эгасиз уй-жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимликлари бўш ётган уй-жойларни уч ой муддатда хатлаб қўйсинлар.

Бўш ётган эгасиз уй-жойлар аниқланганида уларни белгиланган тартибда давлат мулкига ўтказиш учун судга мурожаат этиш мақсадида уларни ҳисобга олиб қўйиш таъминлансин;

олти ойдан ортиқ коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақи тўланмаган бўш ётган уй-жойлар аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ уй-жой мулкдорларининг муайян жавобгарлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун фуқаролик судларига даъво аризалари киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда суд органлари ушбу қарор ижроси бўйича қабул қилган қарорларни суд ижрочилари томонидан ижро этиш тартиби тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

уй-жой коммунал соҳасидаги норматив-ҳуқуқий бошқариш аввало қонун ҳужжатлари билан амалга оширилишини назарда тутган ҳолда тегишли идоравий норматив ҳужжатларни танқидий қайта кўриб чиқсин ва уларни кескин камайтириш ҳамда тартибга келтириш чораларини кўрсин;

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 11 февраль

Фарғона вилояти

Халқ табобати имкониятлари

Доришунос шифокор Алижон Абдураззоқов 1992 йили "Меҳригиё" кичик хусусий корхонасини ташкил қилди. Бунинг учун у Учкўприк туманининг Ўразмерган қишлоғидан 3 гектар ер олди. У ерда аввалига Ҳиндистондан келтирилган шифобахш "Пол-пола" ўсимлиги ўстирила бошланди. Ундан дастлаб бир неча хил дамлама-дорилар тайёрланди.

"МЕҲРИГИЁ" — МИНГ ДАРДГА ДАВО

Бу орада Наманган вилоятининг Поп туманига қарашли Чодак қишлоғида жойлашган "Ибн Сино" корхонаси жамоаси билан ҳамкорлик ўрнатилди. Улардан турли хил доривор ўсимликлар уруғи ва кўчатлари келтирилиб, дала шароитида ўстирилди.

Шу тариқа "Меҳригиё" корхонасида ўстирилаётган ўсимликлар ва тайёрланаётган дори-дармонлар тури йилдан-йилга кўпайиб борди. Ҳозирги кунда корхонага қарашли ерларда 33 хил ўсимлик ўстирилиб, улардан 44 хил дамлама-дорилар тайёрланмоқда. Уларнинг бир қисмини тоғ шароитида ўсаётган шифобахш ўсимлик ва гиёҳлар ҳам ташкил этади. Маҳсулотлар чиройли қадоқланган ҳамда арзонлиги билан ажралиб туради. Мутахассислар дори сифати ва унинг таъсирчанлигига юқори баҳо бермоқдалар.

Айни пайтда корхонада 60 киши ишлайди.

"Меҳригиё" корхонаси жамоаси ўзлари тайёрлаётган маҳсулотлар билан вилоят ва Республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танлов ҳамда кўргазмаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Жумладан, жамоа вилоят миқёсида ўтказилган "Ташаббус — 2004" танловида биринчи ўринни эгаллади, шунингдек республикада ҳам юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилган "Шу азиз Ватан — барчамизники" вилоят фестивалида улар фаолиятига юксак баҳо берилди.

Бугунги кунда "Меҳригиё" корхонаси жамоаси "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Улар ёрдамида шаҳар ва туман марказларида, маҳаллаларда дамлама дори-дармонлар билан савдо қилувчи кўплаб дорихоналар ишлаб турибди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Бухоро вилояти

ҒИЖДУВОН — САХОВАТЛИЛАР ЮРТИ

Яқинда Ногиронлар жамияти Ғиждувон тумани бўлими томонидан тумандаги Тозагари қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи I гуруҳ ногирони Ибод Раҳимовга ногиронлар аравачаси совға қилинди. И.Раҳимов бу савоб ишлар бошида турган жамият мутасаддиларига ўз миннатдорчилигини кўзларида севинч ёшлари билан изҳор этди.

Ногиронлар жамияти Ғиждувон тумани бўлимининг эзгу ишлари биргина бу эмас. Туманда И.Раҳимовга қисматдошлар сони анчагина. Туман ҳокимлиги ҳомийлигида меҳр ва мурувватга муҳтож бундай инсонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб хайр-эҳсон ёрдамлари кўрсатилмоқда. Яқинда ҳомий ширкат хўжаликлари ташаббуси билан Ногиронлар жамияти туман бўлими ҳисоб рақамига 2 млн 73 минг сўм пул келиб тушди. Ушбу маблағлар ногирон инсонларнинг оғир ташвишларини енгиллаштириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш йўлида сарфланмоқда. Шунингдек, турли таянч-ҳаракат воситалари, эшитиш мосламалари, шунингдек, турли кийим-кечаклар вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси кўмагида ногирон фуқароларга тортиқ қилинмоқда.

Ғиждувон саховатли одамлар юрти, — дея фахрланишади ғиждувонликлар. Дарҳақиқат, шундай. Ғиждувондаги кўзи ожизлар ишлаб чиқариш корхоналари ҳам навбатдаги саховатдан баҳраманд бўлдилар. Уларга 320 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Жамиятнинг Сиҳат-саломатлик йилидаги ниятлари эса бундан-да хайрли.

Дилмурод ЖАББОР,
"Mahalla" мухбири.

Фуқаролар йиғинида ташаббус

"МАҲАЛЛА ЭКОЛОГИЯСИ"

у нимага хизмат қилади?

Албатта, бу саволни эшитиб юртдошларимиз кўнглидан "Маҳалла обод, фаровон ва инсон яшаши учун ҳар томонлама қулай бўлиши керак-да, деган фикр ўтиши мумкин. Лекин, ҳозирги шароитда атроф-муҳитга зийрак назар ташлайдиган инсонлар, айниқса, катта шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган юртдошларимиз ўзлари яшаётган маҳаллаларидаги санитария-экологик аҳволга бир назар солиб кўрсалар, баъзида хунук манзарага дуч келишади.

Тўғри, баъзи бир юртдошларимиз, хусусан, кўп қаватли уйларда яшовчи ёш оилалар "Биз бу маҳаллада вақтинча яшаймиз, иқтисодимизни яхшилаб олсак, участкага чиқиб кетамиз" деган орзу-ниятлар билан айни пайтда яшаётган маҳалласига эътиборсизроқ бўлишади. Бундай аҳвол бошқаларнинг ҳам ҳамиятига тегиб, "Нима, битта менга керакми бу ташвиш, маҳалла ободончилигини ўйлайдиган маҳалла оқсоқоли, ширкат бошлиғи ва ҳокимликлар бор-ку", деган фикр билан ўзларини овутадилар. Бу эса маҳалладаги экологик аҳволнинг салбий томонга ўзгаришига олиб келади.

Ана шундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш мақсадида, маҳалламизда "Маҳалла экологияси" номли нотижорат-нодавлат жамоат бирлашмасини тузишга қарор қилдик. Фикримизни Акмал Икромов туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари қўллаб-қувватлашди. Маҳалла фаолларидан ташаббускор гуруҳ тузилди ва йиғилишлар ўтказилди, зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 2004 йилнинг май ойида расман рўйхатдан ўтди. Фаолиятимиздан кўзланган асосий мақсад маҳалламиз ободончилигига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар, хусусан, маиший чиқиндиларнинг тартибсиз сочилиб ётишининг олдини олиш ва уларни тўплаб, саралаб, қайта ишлаш учун тегишли корхоналарга топшириш орқали қисман фойда олиш ва бунинг ҳисобидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш эди. Чунки маҳалла хонадонларининг 15-20 фоизи ўз оиласида тўпланган чиқиндини белгилаган жойга олиб бормасдан, ариқларга, дарахтлар орасига, ҳатто ўзлари яшаётган кўп қаватли уйларнинг йўлакларига ташлаб кетишларини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Ўтган йилларда пойтахтимизда маиший чиқиндилар бўйича қатор хайрли ишлар қилинди: чиқинди ташишга мўлжалланган янги автомашиналар сотиб олинди, чиқиндилар тўпланадиган майдончалар қурилди. Лекин, афсуски, бундай қулайликлар аҳоли учун етарли эмас. Энди бундай ташаббусларни фақат ҳокимликлардан кутиб ўтириш эмас, ўзимиз ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун эса маблағ, махсус лойиҳа керак. Ўтган йили Марказий Осиё мамлакатларининг нодавлат-нотижорат бирлашмаларига молиявий ёрдам берадиган Минтақавий Экологик Марказга лойиҳа билан мурожат қилдик. Лекин бизнинг лойиҳамизга, ҳатто бизга жавоб ҳам беришмади.

Тошкент шаҳри

Лекин биз қараб ўтирмадик, маҳалла ободлиги қайсидир халқаро ташкилот учун эмас, бизга керак ва бундай имкониятлар ўзимизда ҳам бор. Кейин Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан ёрдам сўрадик, қўмитанинг масъул вакилларини маҳаллага таклиф қилиб маблағни нимага ишлатмоқчи эканлигимизни тушунтирдик, чиқиндиларнинг тўплаш, саралаш ва қайта ишлаш мумкин бўлган турларини қабул қиладиган хоналар қуришимиз лозимлигини кўрсатдик. Қўмита маҳалламиз ва жамоат бирлашмамиз илтимосларини инобатга олиб, майдонча қуриш учун маблағ ажратишга қарор қилишди. Энди бу йил ёзда ушбу кичкина майдончани маҳалладошларимиз билан ҳамжиҳатликда ҳашар йўли билан чиройли қилиб қурамиз, деган умиддамиз. Бу жойда пойтахтимизда биринчи бўлиб қайта ишлаш мумкин бўлган барча чиқиндиларни қабул қилмоқчимиз. Ҳозирги пайтда қоғоз макалатураси, елим ва шиша идишлар, банкалар қабул қилинади. Биз юқоридагиларга қўшимча тарзда синган шишалар, рўзғордан чиқадиган сабзавот-полиз маҳсулотлари пўчоқлари (ем учун), қовун, тарвуз, қовоқ уруғлари, ўрик ва шафтоли данаклари, ҳатто ишдан чиққан автомобиллар шиналари, резина-чарм буюмларини алоҳида қабул қилиб, уларнинг ҳар бир килограмми учун тўлов жорий қилмоқчимиз. Шу билан маҳалла аҳолисининг манфаатдорлигини ҳам оширмоқчимиз.

Галдаги режамизда маҳалла оқсоқоллари, Тошкент Юридик коллежи жамоаси, мактаб ўқитувчилари, уй-жой мулкдорлар ширкатлари аъзолари ва "Маҳалла экологияси" жамоат бирлашмаси аъзолари билан биргаликда шу йилнинг март ойида "Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш муоммолари" мавзусида ўқув-семинар ўтказиш масаласи турибди. Семинарга "Маҳалла"жамғармаси шаҳар бўлими, туман бўлинмалари, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари, БМТнинг "Атроф-муҳит" дастури лойиҳаси ва "Ўзбекистонда чиқиндиларни қайта ишлаш стратегияси" лойиҳаси менеджерлари ва бошқа жамоатчи ташкилот вакиллари таклиф қилинади.

Омонбой ХАЛИЛЛАЕВ,
Акмал Икромов тумани Алишер Навоий номли маҳалла "Маҳалла экологияси" жамоат бирлашмаси Кенгаши раиси.

Тошкент вилояти

Маслаҳатчи тажрибасидан

ОИЛАДА АЁЛ ОҚИЛА БЎЛСА

фарзандлар тарбияси бекаму кўст бўлади!

Маҳаллаларда маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбияга бугун ҳар қачонгидан ҳам эътибор кучайган. Унинг беқиёс аҳамияти маҳалладошларнинг ўзаро муносабатида, кундалик турмуш тарзида намоёндир. Маълумки, фуқаролар йиғинлари таркибида давр, замон талабига монанд хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари фаолият юрита бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шу боис маслаҳатчиларнинг фаолияти таъсирчанлигини ошириш учун "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан вилоят маҳаллаларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг фаолиятлари самарасини оширишга қаратилган давра суҳбатлари, кечалари ташкил этилмоқда. Бу тадбирлар ҳафтанинг шанба кунига белгиланганлиги боис унда кўплаб аёлларни жалб этиш имкони туғилди. Яқинда вилоятнинг Қибрай, Зангиота туманлари маҳаллаларида хотин-қизларнинг ҳуқуқий, диний маърифатга оид билимларини оширишга қаратилган ана шундай давра суҳбатлари ўтказилди.

— Бу каби тадбирлар орқали хотин-қизларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, айниқса, диний маърифат борасидаги дунёқарашларини бойитиш, юксалтириш бизнинг асосий мақсадимиздир, — дея фикр билдирди "Маҳалла" жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Тўлқин Миркомилов. — Ўйлаймизки, аёлларимизни, ёшларимизни турли диний оқимлар таъсиридан сақлашда бундай тадбирларнинг таъсир кучи салмоқли бўлади. Оилада аёл кишининг онги юксак бўлдими, демак, фарзандлар тарбияси ҳам кўнгилдагидек, яъни, оила ёшлари ҳам турли салбий омиллар таъсиридан холи бўлади. Энг муҳими, маслаҳатчиларимиз ҳам бундай тадбирларда фаолиятларида жуда асқотадиган билим ва кўникмаларга эга бўлмоқдалар.

МУХБИРИМИЗ.

Қашқадарё вилояти

Яккабоғ туманидаги Навоий номли маҳалладa истиқомад қилаётган Фарида Эшбобоева қарийб 31 йиллик ўқитувчилик фаолияти орқали ёш авлодни илмли, маърифатли инсонлар қилиб камол топтиришга ҳисса қўшиб келди.

ЯНГИ ФАОЛИЯТДА КЎҲНА ТАЖРИБА

Доимо эл-юрт ташвишида елиб-югурган Фарида опа нафақага чиққандан сўнг ҳам уйда бекор ўтиришни истамади. Қолаверса, ташаббускорлиги ва фаоллиги билан ҳурмат-эътибор қозонган Ф.Эшбобоеванинг номзодини туман ҳокимлиги Яккабоғ посёлкасидаги Мустақиллик маҳалла фуқаролар йиғинига диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасига тавсия этди.

Опа бу вазифага тайинлангач, фуқаролар йиғини ҳудудига қарашли Мустақиллик, Навоий, Охунбобоев, Олмазор кўчаларидаги хонадонларда яшаётган оилалар билан янада яқинроқ танишди, уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганди.

Яккабоғ посёлкасида саноат корхонаси, завод ва фабрикалар, муассасаларнинг камлиги бу ерда айниқса, аёллар ўртасида ишсизлик муаммосининг келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Фарида Эшбобоеванинг саъй-ҳаракати билан ўтган йилда 60 дан ортиқ хотин-қизлар касб-ҳунар ўрганиш учун жалб этилди. 15 нафар хотин-қизларнинг тикувчилик, касаначилик каби соҳаларда фаолият юритишлари учун имкониятлар яратилди. Шунингдек, Фарида опа ўтган Меҳр ва мурувват йилида кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд инсонларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига жиддий эътибор берди.

Кичик корхона ва ишлаб чиқариш муассасаларига Зулхумор Бойназарова, Маржона Жонқобилова, Холида Зокирова каби маҳалланинг ўнлаб хотин-қизлари жойлаштирилди. Мутақиллик маҳалласи ҳудудидаги кўчабошилар, фаоллар саъй-ҳаракати билан тўй ва таъзияларнинг камчиқим ва ихчам ўтказилишига эришилди.

— Маҳалла — оила — мактаб ҳамкорлиги асосида маҳалла ёшлари ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш мақсадида қатор муҳим тадбирлар ташкил этмоқдамиз, — дейди Фарида Эшбобоева. — Хусусан, икки авлод учрашувларини ташкил қилиш, огоҳлик, хушёрлик мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш ҳамда спорт мусобақаларини уюштириш масаласи фаолиятимиздаги устувор вазифа бўлиб турибди.

Ундан ташқари, Фарида опанинг ёрдами билан Мустақиллик маҳалласининг Олмазор кўчасида истиқомат қилаётган Севара Жаҳонгирова, Нилуфар Жонқобилова каби қаламкашларнинг ижодий намуналари шеърий тўплам ҳолида чоп этилди.

Ҳа, меҳри дарё аёл Фарида Эшбобоева ўтган йилда кўпгина маҳалладошларига меҳр-мурувват кўрсатиш, ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътиборни кучайтириш каби ишлардаги ташаббускорлиги билан эътибор қозонди.

Хайрулла ТЎРАЕВ,
журналист

Хоразм вилояти

Бекпўлат мана тўрт йилки, каратэ бўйича фақат Хоразм вилоятидагина эмас, балки республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Андижонда "Аҳмадшоҳ турнирида, Нукус шаҳрида жаҳон чемпиони Рустам Тўрабоев турнирида ўсмирлар бўйича беллашувда биринчи ўринга сазовор бўлди.

ЭСКИҚИЁТЛИК БЕКПЎЛАТ

2004 йилнинг кузида яна Андижон вилоятидан республика ёш каратэчилари мусобақасида ғолиб бўлиб қайтди.

Хиванинг Эскиқиёт маҳалласилик ёш полвон Бекпўлат Собиров Хива шаҳридаги аниқ ва гуманитар фанларга ихтисослашган 3-мактабнинг 6-синфида ўқийди. Шу билан бирга Хонқа туманида ташкил қилинган каратэ мактаби машғулотларига ҳам қатнашади. Устозлари Баҳодир Солиев, Қадамбой Отажоновлар Бекпўлатнинг келажагига катта ишонч ва умид билдирмоқдалар.

— Ўғлимиз футболга ҳам қизиқади — дейди унинг отаси Исмоилжон Собиров, — 2003 йилда вилоятимизда ўтказилган "Умид ниҳоллари" республика ёш спортчилири мусобақаларининг футбол тури бўйича терма жамоасида қатнашиб, вилоятимиз фурболчиларининг юқори ўрин олишларга ҳисса қўшганлигини кўриб қувондик.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Хокимият ва фуқаролар йиғини

Термиз тумани вилоят жанубида жойлашган. Ерлари воҳанинг Ангор, Музработ, Жарқўрғон туманлари экин майдонига туташиб кетган. Аҳолиси саксон минг кишидан ортиқ. Уларнинг қирқ фоиздан зиёдроғи еттита ширкат, уч юздан ортиқ фермер хўжаликлари, бир юз йигирмага яқин ташкилот, корхона ва муассасаларда фаолият кўрсатмоқда. Кейинги йилларда туманнинг ишлаб чиқариш кучлари юксалиб, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда янги-янги марралар қўлга киритилмоқда. Обод, кўркам маҳаллалар барпо этилиб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораяпти. Мухбиримизнинг туман ҳокими Абдураҳмон ФАЙЗИЕВ билан қилган суҳбати ана шулар хусусида бўлди.

Сурхондарё вилояти

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ РАВОН

унда қишлоқ ва маҳалла оқсоқолларининг ўрни бор

— Туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида изчил тадбирлар кўраяпмиз. Натижаси ёмон эмас. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Туманнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида кичик ва ўрта бизнес, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритишга алоҳида эътибор бераётганлигимиз, фермер хўжаликлари ва хусусий фирмалар сонини тобора кўпайтираётганлигимиз ижобий натижа бемоқда. Ҳозир туманда 30 дан ортиқ ўрта, 60 га яқин кичик корхона, 395 та микрофирмалар ишлаб турибди.

Қишлоқ хўжалиги туман иқтисодиётида етакчи ўрин тутади. 13 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер майдонига эгамиз. Унинг 5104 гектарида дон, 6025 гектарида пахта, 859 гектарида полиз ва сабзавот етиштирилади. Шуниси эътиборлики, ер унумдорлиги паст даражада ва табиий иқлим шароити мураккаб бўлишига қарамасдан деҳқонларимиз эришаётган муваффақиятлар қувончли. Шартнома режалари ортидан бажарилиб келинмоқда. Ўтган йилнинг ўзида пахта ва ғалладан юксак хирмон яратдик. Қўлга киритилган бу ютуқларда "Дўстлик", "Намуна", "Халқобод", "Янгиариқ" ширкат хўжаликларининг муносиб улуши бор.

Туман аҳолисига савдо ва пулли хизмат кўрсатиш бўйича ҳам кейинги икки йил давомида яхши натижаларга эришмоқдамиз. Савдо, умумий овқатланиш корхоналари, маиший хизмат нуқталари, маҳалла гузарлари фаолияти тобора ривожланиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, туман аҳолиси сони ҳар йили 1,5-2 минг кишига кўпаймоқда. Демак, ишсизликнинг олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш зиммамиздаги бош вазифалардан бири. Ҳаёт шуни тақазо этар экан, фаолиятимизни ҳам шунга яраша олиб бораяпмиз. Хусусан, ўтган 2004 йилнинг ўзида мингдан ортиқ ўғил-қизлар янги ишчи ўринларига жойлашишган.

Бунда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳам муносиб ўрни бор. Чунки, ҳамма маҳаллада яшайди. Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлоик маҳалланинг ўзида ривожланмоқда. Улар маҳалла аҳли манфаатларига хизмат қилмоқда, Буни туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган ўттиздан ортиқ маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Маҳалла ва қишлоқ йиғинлари туманимиз ижтимоий ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига улар бош-қош. Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳам улар зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан. Қолаверса, мавсумий қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда жамоат назоратини ўрнатиш ҳам улар томонидан амалга оширилади. Қишлоқларда хизмат кўрсатиш нуқталари маҳаллалар ҳисобидан кўпайиб бормоқда. Шундай экан, маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари, маслаҳатчилари, фаолларининг эл ишига камарбасталигини ҳар дамда ҳис этамиз. Мушкул юмушларни амалга оширишда уларнинг кўмагига таянамиз.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларнинг аксарияти маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Унда жуда кўп хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, туман марказида 29 ўринли туғруқхона ҳамда қишлоқлардаги ҳакимлик пунктлари қуришга ўнлаб мактабларни тўла-тўкис таъмирлашга, "Янгиариқ" ширкат хўжалигига табиий газ ўтказишга, ички йўлларни равонлаштириш ва асфальт бостиришга, Учқизил, Халқобод, Янгиариқ, Пахтаобод, Паттакесар қишлоқ йиғинлари раислари билан бир қаторда ўндан ортиқ маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг фаоллари бошчилик қилишди. Айниқса, улуғ аждодларимиз абадий макон қурган қадамжоларни тиклашда, таъмирлашда оқсоқолларимиз алоҳида ўрнак бўлди. Бу ишлар ҳашар йўли билан, ҳомийлар ёрдамида бажарилди. Натижада Султон-саодат, Кокилдор ота, Қирққиз қалъаси каби тарихий обидалар, Термизийлар музейи қурилиши қисқа фурсатда кўзга ташланди. Янгича қиёфага кирди.

Дарҳақиқат, XXI аср маҳалласининг қиёфаси замон руҳига мос, оқсоқоли эса маънавий юксак, ҳиммати баланд, халқпарвар киши бўлиши керак.

Омон ШУКУРОВ
суҳбатлашди.

Олам турфа

САНОҚЛИ ДАҚИҚАДА ЕБ ТУГАТИШАДИ

Пиран—йиртқич валиқ турларидан бири. У Амазонка дарёси ва унинг ирмоқларида яшайди. Пиранлар ақл ва вар қилмас даражада таҳаввускор ва менкайдир. Уларнинг кичик бир тўдаси саноқли дақиқадаёқ бутун вошли сигирни еб тугатиши мумкин.

Бир сафар Стив Бабел деган киши Жаманшин дарёси (Амазонка ирмоғи) бўйлаб саёҳат қилиб юрган эди, ғаройиб воқеанинг устидан чиқди. Ўшанда нимадир бўлди-ю, баҳайбат буйвол (буқалар кенжа оиласига мансуб ҳайвон) дарёнинг саёз жойига йиқилиб тушди. Бироқ ўрнидан турмади. Бабел яқинроқ келиб қараса, ҳалиги буйвол йўқ эди, фақат унинг скелети қолган, пиранлар эса унинг суякларини гўштидан "тозаламоқда" эди.

Бабел унинг бош суягини дахшатли воқеадан эсдалик сифатида уйига олиб кетди.

БАЛИҚЛАР УЧУН ХЎРАК

Кечқурун лойқа сувда ёки шалдираб оқаётган сувда қармоқ билан балиқ тутмоқчи бўлсанглар балиқлар учун хўракни яхшиланг.

Бунинг учун хўракка ялпиз, валерьян, дафна сувидан ёким кунгабоқар ёғидан оз миқдорда қўшилади. Уларнинг ҳиди балиқларни ўзига жалб этади ва иштаҳасини қўзғайди. Лекин шуни унутмангки, юқорида санаб ўтилган ўсимлик сувини жуда оз миқдорда қўшинг, акс ҳолда катта балиқлар хуркади.

СУВДА ҲАМ, ҚУРУҚЛИКДА ҲАМ

Заҳарли жонивор ҳақида гап кетаётган бўлса, бу ворада австралияликларнинг "ёмади келган" деб қўйишади. Дарҳақиқат, шундай. Уларнинг сувида ҳам, қуруқлигида ҳам заҳарли жонивор жуда кўп. Фақат осмонда учиб юрган заҳарли қушлар йўқ холос.

Бу ернинг сувида яшайдиган кубомедуза дунёда энг заҳарли жонивор ҳисобланади. Унинг пайрпаслагичларига тегиб кетилса бас, 30 дақиқа ичида дунёдан кўз юмади. Умуман олганда Австралия сувликларида 51 турдаги денгиз илонлари яшайди. Уларнинг бари заҳарлидир.

Кичик ҳавзаларда учрайдиган саккизоёқларнинг бир томчи заҳри 10 кишини ўлдиради. Шунингдек, энг хавфли балиқ ҳам шу ўлкада. У сўгал-балиқ (ёки тошбалиқдир).

Мингтақанинг қуруқлигида ҳам заҳарли илонлар ва ўргимчаклар жуда кўп. Қисқаси дунёнинг 10 хил жонивори заҳарли бўлса, шундан 7 тури Австралияда топилади.

М.ИСЛОМОВА
тайёрлади.

Бугуннинг шеъри

ҲОЙ, ҚИШ...

Қиш-қировли бошланган кунлар.
Унга аста кўникар одам.
Дейди доно халқимиз: — "Кўрқ қил —
Қишнинг ҳатто бир кунидан ҳам"

Молхонага қамалган моллар.
Қўйхонада қўй-қўзилар зич.
Ёз ҳавосин қўмсашиб улар,
Маърашади гоҳ тинмайин ҳеч.

Эркак, аёл тўнда, пўстинда.
Кўчаларда кезар изғирин.
Қанча шамол, совуқ бўлмасин,
Йўқлашларин қўймас бир-бирин...

Тунда ёғди қор. Далаларда-
Ёзилгандай оппоқ дастурхон.
Бундан эса деҳқонлар хурсанд,
Дейишади: — "Бу қормас — ош, нон!"

Қағиллашиб қарғалар шудгор —
Узра гўё базм қуришар.
Шу қаҳрли совуқда яйраб,
Қишнинг гўё гаштин суришар.

Савлати йўқ тол, теракларнинг;
Боғлар эса нозик уйқуда.
Гузардаги катта чинор ҳам —
Турар карахт, ўта осуда.

Лекин қишлоқ майдонида-чи
Болаларнинг шовқин-сурони.
Бири чена тортар, бирининг —
Чанғи учиб, қайнайди қони.

Кеч кирганда хонадонларда
Қизир суҳбат, гап-гаштак, кулги.
Тўйи бор қиз — онаси билан
Сарпо тикар — ҳаммаси янги.

Ҳой, қиш, билгин ҳурматингни!
Вақтида кел, вақтида тийил,
Йигит, қизларимизнинг кўнгли —
Қишга эмас, баҳорга мойил.

Абдул ҚОДИР

Ватанни англамоқ

БИР СИҚИМ ТУПРОҚ – МУҚАДДАС

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Янги 2005 йил бошланиб, дастлабки кунлари ҳам ортда қолди. Одамзод борки, янги йилдан ниманидир умид қилиб яшайди. Яхшиямки, дунёда қанча кўп орзу-ният қилсанг ҳам бироз "намунча орзу-ниятинг кўпайиб кетди", деб таъна қилмайди. Шунинг учун ҳам орзулар ҳамиша юракларда яшайди. Бу орзуларнинг парвозини соғиниб яшаш эса ҳар биримизнинг тилагимиздир.

Янги йил олдидан ўтган сайловлар баҳона юртимизга ташриф буюрган ўнлаб чет элликлар билан учрашишга тўғри келди. Айниқса, уларнинг орасида "меҳмон эмас, мезбон бўлиб келдик ота юртга" деб бизларни суҳбатига ошно этган Фикрат исмли ватандошимиз сўзлари кўнглимизни тўлқинлантириб юборди.

— Бир ҳафтадан буён Ватандаман. Ёшларни кўрсам уларнинг орасида фарзандларим юргандек бўлади, қарияларни кўрсам Ватандан чиқиб кетар чоғида халтага солинган бир сиқим тупроқни ўлар пайтида пешонасига қўйиб кўз юмган падари бузрукворим гавдаланади.

Мен унинг ёшланган кўзларини кўриб "Ватан соғинчини биз қачон ўрганамиз", деб уялиб ўтирганим ҳам рост. У эса давом этарди:

— Отам бир кечада ўз отаси ва синглисини олиб Ватандан чиқиб кетган экан. Афғонистонда яшаганига бир йил тўлар-тўлмас онасини ҳам, синглисини ҳам тупроққа берибди. Юртидан чиқиб кетаётганида бир халтага солиб олган тупроғидан ҳар иккала қабр устига бир чимдимдан сепиб, қолганини белига тугиб, ҳаёт сўқмоқларида кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирибди. Эсимда бор, бизларнинг болалигимиз ҳам қийинчиликлар билан ўтарди. Бир нарса эсимда қолган. Чоғроққина уйимизнинг эшигига бир халтача осилган эди. Отам ҳар куни пул топиш учун кўчага чиқиб кетиш олдидан шу халтачага пешонасини бир теккизиб қўярди. Биз у кишидан бунинг сабабини сўрасак "Ватан тупроғи" деб жавоб берарди. Гарчи биз болалар бу сўзга кўп эътибор бермасакда, отамизнинг кўзида қалққан ёшдан таъсирланиб яшардик. Отам юрт ҳақида кўп гапирар, бизларни эса илм олишга чорлар эди. "Бир куни юртга борасизлар, ақлли бўлиб ўсинглар, сизларни кўрганда шундай ватандошларимиз бор, деб қувонишсин", дерди. Минг афсус, у кишига Ватанни кўриш насиб этмади. 1985 йилда оламдан ўтдилар. Онамиз асли марғилонлик эди, 3-4 йил илгари юртга келиб, қариндош-уруғларини излаб топдилар. Ўтган йили қазо қилдилар. Уч ўғил, уч қиз ўсдик. Ҳаммамиз юртга келиб- кетиб турибмиз. Ҳар келганимда юртнинг тупроғидан олиб ота-онамнинг қабрларига сочаман. Бу йил эса юрт сайловларини ҳам кўрай, деб келдим. Ҳа, айтмоқчи, отам тириклигида пешонасини теккизган халтачадаги тупроқ ҳамон осиғлиқ. Узоқ сафарга чиқамизми, ишга кетамизми, пешонамизга теккизиб, кейин йўлга чиқамиз...

Унинг кўзларидаги соғинчнинг бир ифодаси янглиғ ҳаяжон ва ҳайрат эди.

Янги йилда мен бу суҳбатни бекорга эсламадим. Юртимиз мустақилликнинг яна бир йилига қадам ташлади. Олдинда яратувчанлик ишлари кутиб турибди. Бундан ташқари меҳр-оқибатимиз, орзу ниятларимиз яна ҳам мустаҳкамланадиган дамлар ҳаммамизни синовдан ўтказади. Айниқса, Ватан қадрини яна ҳам баландроқ кўтаришга, ҳар дақиқаю ҳар лаҳза унга фидойи бўлиб яшашга интилажак имкон йўллари ёруғдан ёруғроқ бўлмоқда.

Ватандошимизнинг юртга талпиниб яшаган ота-оналари, ўзларининг ҳаётини бирма-бир кўз олдимдан ўтказар эканман, бизлар Ватанда яшаб, Ватанни соғиниб яшаймизми, деган саволга жавоб излаб ёнаман. Куни ўтганидан масрур, лекин юрт учун лоақал бир савоб ишдан четда турганларни кўрсам, фақат ўзининг дарди билан яшаб, элнинг дардига қулоқ тутмаган кимсаларни учратсам "Ватанни соғиниб яшайлик", деган шиорни ҳамма жойга илиб қўйгим келади.

"МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ"

Қарши шаҳрида ўтказилган Қашқадарё вилояти халқ амалиёт санъати усталари ва ёш ҳунармандлар томонидан тайёрланган ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ана шундай номланди. Унда воҳанинг туман ва шаҳарларидан келган ўнлаб усталар, ҳунармандлар ўз ижод намуналари билан қатнашдилар.

Тадбир қатнашчилари Мустақиллик асрлар бўйи сақланиб, эъзозланиб келаётган халқ амалий санъатининг яна ҳам ривожланишига катта имкониятлар яратиб берганлигини мамнуният билан қайд этдилар. Натижада айниқса ёш йигит-қизларнинг қадимий ҳунарларга бўлаётган қизиқишлари ортиб бораётир, етишиб чиқаётган ёш истеъдодлар ўз санъат асарлари билан миллий ҳунармандчилигимизни янги қирраларини очиб, улар нақадар кенг ва бой эканлигини амалда исботламоқдалар.

Кўргазмада "Ҳунармандчилик иши" йўналиши бўйича Шаҳрисабзлик зардўз, каштачи Гулнора Одилова, "Халқ амалий санъати" йўналиши бўйича Қарши шаҳридан мусиқа асбоблари устаси Иноят ота Қодиров, "Ёш ҳунарманд" йўналишида ғузорлик темирчи Акром Абдуллаев биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар.

Э.ҚУРБОНОВ

Ёнғин хавфсизлиги

ТАҚДИРГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Инсоният ҳаётидаги энг қадимий кашфиётлардан бири бўлган оловга бугунги кунда эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу борада, айниқса ер қаъридан топилаётган табиий бойлик— газ ёқилғисининг аҳамияти катта бўлаяпти. Бироқ республикамизнинг энг чекка қишлоқ ва маҳаллаларига ҳам катта ҳажмдаги қувурлар орқали етказиб берилаётган ана шу имкониятдан бугунги кунда оқилона фойдаланилмоқда, деб бўлмайди.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан фуқаролар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларига қарамай табиий газдан фойдаланишда эътиборсизликка йўл қўйилмоқда. Хусусан, оловни назоратсиз қолдириш, резина шланглар орқали газдан тармоқлар очиб, ундан нотўғри фойдаланиш оқибатида турли кўнгилсиз воқеалар содир бўляпти.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ёнғин хавфсизлиги хизмати ва газ идоралари ходимлари ҳамкорликда хонадонларда, иш жойларида, маиший хизмат шахобчаларида ўзбошимчалик билан газ тармоқларига уланган резина шлангларни ва қоидага зид равишда ишлатилаётган ясама мосламаларни бартараф этиш ва улардан келиб чиқаётган кўнгилсизликларнинг олдини олишга қаратилган қўшма рейдлар ўтказмоқдалар. Шу кунга қадар ўтказилган 18 мингдан зиёд ана шундай рейдлар орқали 46 мингга яқин корхона, ишлаб чиқариш масканлари ва 4 миллиондан зиёд фуқаролар яшаш жойлари текширувдан ўтказилди. Текширув жараёнида аниқланган 62 мингта камчиликларни жойларда бартараф этишга эришилди.

Ўтган 2004 йилда содир бўлган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатадики, айнан газ ускуна ва мосламаларига нотўғри муносабат, эътиборсизлик, лоқайдлик туфайли 3014 дан зиёд ёнғин содир бўлган ва фуқароларга 200 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар етган. Ёнғинлар оқибатида 329 нафар фуқаро (65 нафари болалар) турли хил даражада куйиш тан жароҳати олиб касалхоналарга ётқизилган ва энг ачинарлиси, 53 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмган. Бу ўринда ёнғин талофатлари келтирган моддий зарар ҳақида гапиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак.

Бу албатта ачинарли ҳол. Зеро, ана шундай кўнгилсизликлар оқибатида ногирон бўлиб қолган кишиларнинг, айниқса ёш болаларнинг келажакдаги тақдири барчамизни ташвишлантиради.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, аксарият ёнғинлар аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда. Ачинарлиси, кўп йиллик пешона тери ва мисқоллаб йиғилган пуллар эвазига қурилган уй-жойлар ва мол-мулклар саноқли дақиқалар ичида кулга айланаяпти. Ваҳоланки, оловни бошқариш, ундан тўғри фойдаланиш инсоннинг ўз қўлида. Шу боис, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказиладиган тарғибот ишларига эътибор, кўрсатмаларига ва қоидаларига риоя этиш бизни ҳар қандай кўнгилсиз ҳодисалардан сақлайди ва ҳаётимизнинг фаровонлигини таъминлайди.

Д.ҚАМБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ходими

"Mahalla"нинг футбол ғузари

УЧРАШУВ ЖОЙИ — ТОШКЕНТ

МДҲ мамлакатларининг аксариятида миллий чемпионатлар баҳор-куз тизимида ўтказилади. Шу боисдан янги чемпионатга муносиб тайёргарлик кўриш даврида жамоалар рақиб ахтариб бир қатор муаммоларни ҳал қилишларига тўғри келиши ҳеч кимга сир эмас, албатта. Чунки Европанинг кўпчилик мамлакатларида миллий чемпионатлар давом этаётгани туфайли олис хориждаги клублар билан учрашув ташкил этиш жуда қийин кечади.

Шунингдек, МДҲ чемпионлари кубоги учун Москвада январь ойида ўтказилаётган анъанавий мусобақадан сўнгги йиллар мобайнида кўпчиликнинг кўнгли тўлмаётгани, ёпиқ бинода сунъий майдонда ўйналадиган футбол ҳам "сунъий"лиги ишқибозларнинг шаштини қайтариб келаётганини ҳамма яхши билади.

Вазиятни атрофлича ўрганиб чиққан Ўзбекистон футбол федерацияси мутасаддилари хайрли ишга қўл уришди. Пойтахтимизда янги футбол мавсуми арафасида халқаро турнирлар ўтказиш анъанасини яна қайта тиклаш мақсадида қардош мамлакатлар чемпионлари Тошкентга таклиф этилди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларининг ўз кучини синаб кўриш хусусидаги мурожаатига ижобий жавоб қайтарган бир неча жамоа эрта баҳорда юртимизда майдонга тушадиган бўлди.

Футбол ишқибозларимиз навбаҳор арафасида пойтахтимиздаги "Пахтакор", "Трактор" стадионлари ва "ЖАР" спорт-соғломлаштириш мажмуи майдонларида кимларни кўриши мумкин?

Латвия футболи сўнгги йиллар мобайнида жаҳон футболида тобора катта обрў-эътибор қозониб келаётгани барчага маълум. Ушбу мамлакат мустақилликни қўлга киритганидан буён ўтказилган барча 14 чемпионатда олтин медалларни қўлга киритган Риганинг "Сконто" клуби Болтиқ мамлакатларининг ўзига хос футболини Тошкентда ҳам намойиш қилишига шубҳа йўқ, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонлик катта ёшдаги мухлислар грузин футболчиларининг юксак техник маҳорат соҳиби эканликларини яхши эслашади. Энди Тошкентда Тбилисининг "Локомотив" клуби меҳмон бўлади. Кавказда ўзига хос ўрин тутган арман футболини мамлакат чемпиони Ереваннинг "Пюник" жамоаси ёдимизга туширса керак. Киев динамочилари УЕФА кубогида иштирок этишлари муносабати билан Украина номидан пойтахтимизга ушбу мамлакатнинг олимпия терма жамоаси ташриф буюрадиган бўлди. Белоруссия футбол федерацияси эса Тошкентга мамлакат ёшлар терма жамоаси келишини маълум қилди.

Ана шу олти жамоа аввалига икки гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришади. "А" гуруҳидан "Пахтакор", "Локомотив" ва "Пюник" жой олишган. "В" гуруҳида эса, "Сконто", Украина ва Белоруссия жамоалари куч синашишади.

Гуруҳларда иккинчи ўринни эгаллаганлар учинчи ўрин учун курашишади. Ўз гуруҳларида зафар қучганлар эса бош соврин учун баҳслашишади. Дарвоқе, мусобақанинг умумий соврин жамғармаси 100 минг АҚШ долларига тенг.

Мамлакатимиз чемпиони ушбу мусобақаларга ҳозирлик кўриш мақсадида йиғин ўтказиш учун Туркияга жўнаб кетди.

Янги халқаро турнир ФИФА таснифида Осиё клублари орасида энг юқори жой эгаллаб турган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси мавсумга муносиб тайёргарлик кўриши учун шарт-шароит яратиб беради деб ишонамиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ

Қашқадарё вилояти

ТЎП БИЛАН... ҚИЗЛАР

Ростини айтганда бунга ҳеч ким ишонмаганди. Жамоа қизлари "Мақсадимиз катта ва тез орада чемпионликни қўлга киритамиз" дейишганда, кўплар "Холва деган билан оғиз чучимайди, жўжани кузда санайдилар" дейишганди.

** "Севинч" — чемпионатнинг олтин медали соҳиби.*
** Бош мураббийга "Нексия", жамоа сардорига "Матиз".*
** Клуб президенти 10 та "Матиз" ваъда қилди.*
** Чемпионларнинг ниятлари катта. Улар Халқаро майдонларда юрт шарафини ҳимоя қилишмоқчи.*

Қизлар ишга қаттиқ киришишди, узлуксиз машғулотлар бошланиб кетди. Бош мураббий В.Хан қизларда ғалабага ишонч туйғусини уйғотди. Машғулотлар энг илғор жамоаларнинг бой тажрибасига суянган, уларга амал қилинган ҳолда ўтказила бошланди.

Омадни, астойдил меҳнатнинг самарасини қарангки, "Севинч" аёллар футбол жамоаси мамлакат олий лигасида иштирок этиб, ташкил топган дастлабки 2003 йилдаёқ республикадаги тажрибали жамоаларни ортда қолдириб, бронза медалини қўлга киритди.

Дастлабки дадил қадам, биринчи йилдаги муваффақият қизларни ниҳоятда руҳлантириб юборди. Улар машғулотларга янада зўр бердилар. Мақсад 2004 йилда чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлиш эди. Улар ахдларининг устидан чиқдилар. "Гулбаҳор", "Андижон" каби машҳур жамоалардан устун келиб чемпионатнинг олтин медалига сазовор бўлишди.

Куни кеча Қашқадарё вилояти ҳокимлигида футболчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тантанада сўзга чиққан вилоят ҳокими, вилоят футбол федерациясининг президенти Н.Зайниев кейинги йилларда воҳада футбол ривожи, хусусан, аёллар футболига жиддий эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб, "Севинч" футболчиларини самимий қутлади. Жамоа бош мураббийси В.Ханга "Нексия" автомаобили, команда сардори, чемпионат ўйинларида рақиб дарвозабонларини 57 бор доғда қолдирган Гулнора Аъзамовага "Матиз" автомобили топширилди.

— Янги мавсумда ҳам ўз унвонимизни сақлаб қоламиз, — дейишди қизлар. — Келгусида насиб этса, халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қиламиз.

— Агар футболчилар янги мавсумда ҳам тенгсиз эканликларини исботлашса, жамоанинг 10 нафар аъзосига "Матиз" автомобили топширамиз, — деди клуб президенти, Шуртангаз-кимё мажмуи раҳбари Алишер Султонов.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

СП "ФАР — ИТАЛ" ликвидируется, (код. ОКПО 15258626) Притензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации обявления по телефону: 50-83-95, 144-50-51. Примечание: Документы подписанные бывшем директором Цой Б.Т. считать недейсвительными.

Ч.Ф "YUM — OMAN" Мирабадского района ликвидируется притензии принимаются в течении 2-месяцев со дня опубликованя обьявления по тел: 191-03-15.

Утерянный гос. ордер 09-02/6616 4.03.93г о праве собственности на имя Джуракулова Джабара считать недействительным.

ДХО "KARVON—ULGURJI" зарегистрированное в А.Икрамовском районе г.Ташкента реорганизуется в ООО "KARVON—ULGURJI". Претензии принимаются в течении месяца по тел: 43-19-44.

Ҳурматли Ҳасан Баратов!

Сизни 42 ёшга кирганингиз билан чин дилдан қутлаймиз.

Доимо бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, эзгулик ҳамроҳингиз бўлсин!

Дўстларингиз: Қаноат Сариқов, Бозор Ражабов, Аброр Имомовлар.

Меҳрибон дўстимиз Зайниддин Қамбаров!

Сизни 62 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ёш авлод тарбиясига бағишланган бутун фаолиятингиз эзгуликка йўғрилганлиги ёшларга ибратдир.

Дўстларингиз: Одил Бобоев, Эркин Кенжаев ва Исматилла Раҳимов.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Юзага келадиган ташвишлар туфайли умр йўлдошингиз энг яқин дўстингиз, суянчиғингиз эканлигини яна бир бор англайсиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Ушбу ҳафтада лавозимингиз кўтарилиши ёки ижодий ютуқлар кутилмоқда. Қалбингиздаги муҳаббат сизга куч-қувват, илҳом бағишлайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Романтик кайфиятингиз сизни узоқ йўлга ва саёҳатга ундайди. Ушбу саёҳатлар натижасида ҳаётингиз буткул ўзгариб кетиши мумкин.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)
Ҳис-туйғуга берилувчанлигингиз, таъсирчанлигингиз ушбу ҳафта давомида айниқса, сезилади. Меросга эга бўлишингиз кутилмоқда.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Атрофдагиларни ўзингизга жалб қила олиш қобилиятингиз мураккаб бўлган муаммоларни осонгина ҳал қилишингизда қўл келади.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ўз салоҳиятингизга бўлган ишонч, ҳамкасблар билан илиқ муносабатлар ҳафта давомида кайфиятингизни юқори даражада тутади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Муҳаббат бобида омад кулиб боқмаган бўлса кайфиятингизни тушурманг, чунки молиявий томондан яхшигина натижалар кутилмоқда.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Оилавий муаммолар шу кунларда ўз ечимини топади. Мазкур ҳафтада кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларини ҳал қиласиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Қариндош-уруғ ва дўстларингиз сизни қўллаб-қувватлайдилар. Ишга енгил муносабатингиз ҳам улар томонидан тўғри қабул қилинади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Турмуш тарзингиздан рози бўлиб яшашингиз муаммоларингиз йўқ дегани эмас. Ушбу ҳафтада бунга яна бир маротаба амин бўласиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Шу кунларда "Ўзинг бахтли бўлсанг, ўзгалар билан баҳам кўр" шиори остида иш юритишингизни тавсия қилинади.

БАЛИК (19.02-20.03)
Шу кунларда ўзингизни асло ёлғиз ҳис қилмайсиз. Мободо бу ҳолат юз берса, ҳис-туйғуларингизни тартибга солиш ,зарар қилмайди.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Абдулқодир ҲАЙИТМЕТОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9388 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-123 Топширилди — 21.00
2 3 4 5 6